# V GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA

## INTERNATIONAL-SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE

**KAZAKHSTAN/RUSSIA/BELARUS/KYRGYZSTAN/MONGOLIA/ TAJIKISTAN/TURKEY/UKRAINE/UZBEKISTAN**



**ASTANA 2019**

**Объединение юридических лиц в форме ассоциации**
**«Общенациональноедвижение «Бобек»**

# «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019:CENTRAL ASIA»

атты V Халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференция

# ЖИНАҒЫ

# МАТЕРИАЛЫ

V Международной научно-практической конференции

# «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA»

**VI ТОМ**

**АСТАНА – 2019**

**УДК 378**
**ББК 74.58**
**С 54**

**Международная редакционная коллегия:**
Х.Б. Маслов, Е. Ешім, Е. Абиев (Казахстан), Лю Дэмин (Китай),
Е.Л. Стычева, Т.Г. Борисов (Россия)

**С 54**
**«GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA»** атты V Халықар. ғыл.-тәж. конф. материалдары (VI ТОМ)/ Құраст.: Е. Ешім, Е. Абиев т.б.– Астана, 2019 – 359 б.

ISBN 978-601-341-108-8

«GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA» атты V Халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференция материалдары жинағына Қазақстан, Ресей, Белорус, Украина, Қырғызстан, Өзбекстан, Тәжікстан, Монғолия жоғары оқу орындары мен ғылыми мекемелердің қызметкерлері мен ұстаздары, магистранттары, студенттері және мектеп мұғалімдерінің баяндамалары енгізілді. Жинақтың материалдары жоғары оқу орындары мен ғылыми мекемелердегі қызметкерлерге, оқытушыларға, мектеп және колледж мұғалімдеріне, магистранттар мен студенттерге арналған.

V Международная научно-практическая конференция «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA», включают доклады ученых, студентов, магистрантов и учителей школ из разных стран (Казахстан, Россия, Белоруссия, Украина, Кыргызстан, Узбекистан, Таджикистан, Монголия). Материалы сборника будут интересны научным сотрудникам, преподавателям, учителям средних школ, колледжей, магистрантам, студентам учебных и научных учреждений, специализирующихся в области гуманитарных наук.

**УДК 378**
**ББК 74.58**

ISBN 978-601-341-108-8

**© ОЮЛ в форме ассоциации**
**«Общенациональное движение «Бобек», 2019**

1. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: "Муҳаррир нашриёти", 2009. 64-б.

2. Мельникова Н.И. Состояние и перспективы высшего образования в эпоху глобализации. Саратов, 2003. – С.21.

3. Дилигенский Г.Г. Глобализация в человеческом измерении // Глобализация в социально-философском измерении: сб.мат.конф. СПб., 2003. – С.5.

4. Тоффлер А. Футурошок. СПб., 1997. – С.73-74.

5. Скородумова О.Б. Интернет и его основные социокультурные функции // философия и общество. 2004. №1. – С.35.

6. Глебкин В.В. Мир в зеркале культуры. – М., 2000. – С.12.

**УДК 316. 378: 004 (575.1)**

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

**Раҳмонбердиева Нодира Билоловна**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти катта ўқитувчиси

**Курбанова Шахноза Умарбоевна**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти "Гидромелиорация" факультети талабаси
Тошкент, Ўзбекистон

Инсоният тарихининг учинчи минг йилликка қадам қўйиши жамият тараққиётида икки тенденцияни намоён қилмоқда: *биринчиси* – инсон моҳиятини ташкил қиладиган мезонлар тизимида, унинг интеллектуал салоҳияти, ахборотлар арсенали, техник-технологик имконияти ғоят ривожланиб, янги маънавий қадриятлар шаклланиши билан характерланади; *иккинчиси* – инсон онгида, амалий турмуш тарзида, унинг моҳиятига ёт ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар (ўз турига, жамиятга, табиатга нисбатан агрессивлик) ва руҳий тушкунлик кайфияти кучайиб, ахлоқий инқирозларнинг белгилари кўзга яққол ташланмоқда.

Бу жараён XX асрнинг 90-йилларида юзага чиққан ва инсоният ҳаётининг турли соҳаларини тобора кенгроқ қамраб олаётган глобаллашув объектив тарихий жараёни билан узвий бўлиб, уни тушуниш ўзига яраша жуда кенг (глобал) ёндашувни тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни дастлаб тасаввур қилинганидай фақат ижобий эмас, балки кўпроқ салбий оқибатларни, ечилиши катта масъулият ва ҳушёрликни талаб қиладиган жуда долзарб масалаларни олдинга сургани билан катта жиддий эътиборни тақозо этмоқда.

Ҳозирги ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган даврда интернетдан фойдаланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллар мобайнида интернет глобал тармоққа айланиб улгурди. Бунинг натижасида дунёда нафақат ахборотлашган жамият юзага келди, балки жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетди. Ҳар қандай кашфиёт сингари, интернет ҳам инсон интеллектуал салоҳиятининг натижаси ҳисобланади. Биз интернет ёрдамида исталган маълумотларга жуда тез вақт оралиғида эришишимиз, масофадан туриб таълим олишимиз, хорижда яшаётган қадрдонларимиз билан суҳбатлашишимиз, электрон адабиётлардан баҳраманд бўлишимиз

мумкин. Бир неча йиллардан сўнг интернетдан фойдаланувчилар сони янада кўпаяди. Сабаби, ҳозирги даврнинг технологик тараққиёти жуда тез суръатлар билан олға бормоқда.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши ижобий кўрсаткичдир. Шундай бўлсада, бу тараққиётнинг салбий томонлари ҳам кам эмас. Ҳаммага маълумки, ҳозирда кўплаб хонадонларда интернетга уланган компьютерлар мавжуд. Меҳнат қилган инсон ўзининг фаровон ҳаёти учун барча шароитларни яратгани яхшидир. Аммо ҳали ҳаётнинг оқу қорасини яхши билмаган, ҳаётий тажрибаси кам бўлган ёшларимиз учун интернет маънавий таҳдидларнинг манбасига айланиб улгурди. Интернет ёшларимизнинг келгуси камолотига зарар етказувчи кўпгина маънавий таҳдидларни вужудга келтирди. Турли танишув саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ва маърифатига таҳдид соладиган беҳаё ва порнографик мазмундаги материалларнинг кўпайиши натижасида айрим ёшларимиз назарида оиланинг муқаддас даргоҳ эканлиги унутилмоқда.

“Оммавий маданият” тарғиботчилари интернетнинг имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг ғайриинсоний мақсадларига эришмоқда. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида интернетдан фойдаланаётган ноқонуний оқимлар сонининг кўпайиб бориши натижасида ёшларимиз билиб-билмай уларга қўшилиб қолмоқда.

Бундай маънавий таҳдидларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бироқ ҳозирги даврда барча зиёли инсонларнинг асосий вазифаларидан бири ёшларимизни интернетнинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, ота-оналар фарзанд тарбиясининг қандай аҳамиятга эга эканлигини унутмасликлари лозим. Бундан ташқари, ёшлар таълим олаётган ўрта мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим даргоҳларининг ўқитувчилари нафақат ўзларининг фанларидан самарали таълим беришлари, балки ёшларнинг бўш вақтдан қандай фойдаланишларидан ҳам доимо хабардор бўлишлари керак. Зеро, ёшларимиз онгида порлоқ истиқболга қаратилган эзгу мақсадлар шаклланган бўлса ва уларга эришишни таъминловчи вазифалар мавжуд бўлса, бу ҳолатда ёшларимиз кўплаб ижобий натижаларга эришадилар.

Ҳеч кимга сир эмаски, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий ва бошқа кўплаб буюк бобокалонларимиз яшаган даврларда фақатгина шам ёруғлиги ва содда илмий воситалар ёрдамида юксак салоҳиятли асарлар яратилган. Биз яшаётган даврда бўлса барчамиз учун ахборот ва коммуникация технологияларининг энг сўнгги маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистонда ёшларимизнинг баркамоллиги учун барча имкониятлар эшиги кенг очилган. Шундай экан, ёшларимизнинг интернетдан оқилона ва одоб билан фойдаланишлари давр талаби ҳисобланади. Ахир интернетдан бундай фойдалана оладиган ёшларимиз ўз вақтида меҳнат қилади, мунтазам спорт билан шуғулланади, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади, хорижий тилларни мукаммал ўрганади, ўз соҳаси бўйича рақобатбардош академик билимлар ва касбий кўникмаларга эга бўлади. Ёшларимизнинг баркамоллиги муқаддас Ватанимиз – Ўзбекистон Республикасининг келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муносиб асос ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли, ҳар қанча маблағ талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш экани аён бўлиб қолди. Жаҳонда "ахборот уруши" кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайқаши қийин эмас. Масалан, бирон бир хорижий мамлакатнинг турмуш тарзи, қадриятлар тизимини улуғловчи рисолалар, кинофильмлар тарқатилмоқда, дейлик. Табиийки, бундай ахборотлар жамиятда маълум ижтимоий фикр шаклланишига таъсир этмай қолмайди.

Ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари, таассуфки, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтирди. Бундай салбий ҳолат мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ана шу таҳдидни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга солган ҳолда изчил курашмоқ зарур. "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин".

Демак, ҳозирда ҳар бир ахборот чегара билмаслик хусусиятига эга экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш кўпчиликни ўйлантириши даркор. Интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Ҳаётни ҳам оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган ҳозирги шароитда интернет ёшлар учун асосий ахборот манбаига айланаётир.

Аммо, Ғарб маданиятига тааллуқли баъзи кўрсатув ва сайтлар борки, улар мутлақо ахлоққа зиддир. Бундай ахборот ёшларимиз хулқи ва дунёқарашига салбий таъсир қилиши аниқ. Айни ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. "Ойнаи жаҳон" сериаллар билан тўлиб-тошгани, бизнингча, ижобий ҳол эмас. Чунки ёшлар асосий вақтини шу сериалларни кўришга сарфлаши таълим сифатига таъсир қилмай қолмайди. Дарвоқе, газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилаётган ахборот ҳамда маълумотларнинг мазмунан саёзлиги ҳам ёшларимиз тафаккурига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда ота-она ва устоз-мураббийларни эмас, ОАВ ҳамда интернетни авторитет сифатида эътироф этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлақ чин деб ишониши ташвишланарли ҳолдир. Тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасаввурларини асосан ОАВ ҳамда интернет шакллантирмоқда. Бу эса таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда. Ахборотнинг катта оқими шароитида инсон ўзини эркин ҳис эта олиши учун ахборот маданиятига эга бўлиши керак. Бу ўринда ахборот маданияти дейилганда таълим, илмий билиш ва фаолиятнинг бошқа турлари давомида юзага келадигак ахборотга бўлган эхтиёжларни қондиришга қаратилган билимлар, ўқув ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”.

Бугунги кунда ёш авлоднинг маънавий оламини бузғунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия жараёнида қандай тамойилларга асосланиш ва қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак, деган масала файласуфлар, гуманитар фан олимларининг диққат марказида турибди. Фикримизча, ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, давлатимиз биринчи сиёсий раҳбари таъкидлаганидек, “...қаерда юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”.

Ёшларнинг ахборот оқимига муносабатини шакллантириш ақл-идрок, тафаккур тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар таълим-тарбия бериш

жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтириши, фикрларни ўзаро таққослашга, турларга ажратишга ўргатиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2015.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., Ўзбекистон, 2000.
3. Люблинская А.А. Очерки психического развития ребёнка. - М.: Просвещение, 1965. -стр 363.
4. Чернышевский А.В. О небесом и земном. Актуальные вопросы современной медицины, психологии и философии в свете прасловия. -М.: “Паломник”, 2001.

**УДК 342.815**

## ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС:КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВОЙ АСПЕКТ

**Аттокурова Аида Токтомуратовна**
Аспирантка Института Философии и политико-правовых исследований НАН КР
Бишкек,Кыргызстан
Научный руководитель-А. Мамбеткулов

Будучи фундаментальной основой правовой системы, Конституция Кыргызской Республики закрепила демократически организационную систему власти, стабилизировала соответствующие социально-экономические и политико-правовые процессы, стала юридической базой дальнейшего проведения демократических реформ, включая конституционно-правовую. Одним из приоритетных направлений осуществления государственно-правовой реформы является совершенствование избирательного права и избирательной системы. Конституция Кыргызской Республики ввела свободные выборы как важный институт демократии. Избирательная система способна в целом гарантировать избирательные права граждан, обеспечивать надлежащий уровень избирательного процесса даже в условиях бескомпромиссной предвыборной борьбы. Гарантиями свободы выборов являются условия и средства, обеспечивающие избирателям реальную, осознанную и ответственную свободу волеизъявления, а также охрану, защиту интересов и избирательных прав граждан, политических партий. Несовершенство избирательного законодательства вызывает целый ряд негативных социальных явлений, препятствующих построению в Кыргызстане полноценного правового государства, нормальному функционированию институтов гражданского общества. Устранение выявленных недостатков позволило бы повысить эффективность выборных процедур, способствовало бы повышению активности избирателей, значительная - а в некоторых регионах и большая – часть населения не желает голосовать, не осознавая насколько важен их голос для страны. Эти факторы обусловили целый ряд проблемных моментов в избирательном законодательстве: и концептуальных, и технических, - исследование которых актуально всегда. Сегодня в нашей стране происходит сложнейший процесс, в ходе которого одновременно идет реформирование старых и формирование принципиально новых избирательных отношений. При этом проведение избирательной реформы должно строиться с учетом общих тенденций развития гражданского общества и формирования правового государства. Вместе с тем, очевидно, что ряд не решенных до сегодняшнего дня проблем, вызванных экономическими трудностями, политической нестабильностью в Кыргызской Республике и забвением международного

**Хусаинов Рахматжон Бахрамбаевич (Тошкент, Ўзбекистон)** ЧИСЛЕННОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОДОЛЬНОЙ ВОЛНЫ ДЕФОРМАЦИИ В ПОДЗЕМНОМ МАГИСТРАЛЬНОМ ТРУБОПРОВОДЕ ........111
**Сулейменова Гульмира Оразбаевна (Астана, Қазақстан)** ПРИМЕНЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕТИВНОГО ОБОРУДОВАНИЯ С ЦЕЛЬЮ ПОВЫШЕНИЯ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ........115
**Қандов Баҳодир Мирзоевич (Тошкент, Ўзбекистон)** ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ........120
**Раҳмонбердиева Нодира, Курбанова Шахноза (Тошкент, Ўзбекистон)** ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ........123
**Аттокурова Аида Токтомуратовна (Бишкек, Кыргызстан)** ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС: КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВОЙ АСПЕКТ ........126
**Денисенко Надежда Вячеславовна (Гомель, Беларусь)** НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ОПЛОДОТВОРЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ ........129
**Эсанов Уктам Джаббарович(Тошкент, Ўзбекистон)** УПОТРЕБЛЕНИЕ НЕКОТОРЫХ СИНОНИМИЧНЫХ СЛОВ ВПРОИЗВЕДЕНИЯХ Н.С.ЛЕСКОВА ........134
**Исакова Гүлнұр Оралбайқызы (Астана, Қазақстан)**ЖҮЙЕЛІЛІК ТҰҒЫР ЖӘНЕ ОНЫҢ КӘСІБИ ҚҰЗЫРЕТТІЛІКТІ ҚАЛЫПТАСТЫРУДАҒЫ РӨЛІ ........137
**Әскерқанқызы Айгерім (Астана, Қазақстан)** ЛОКАЛЬДІ ЕМЕС МАНАКОВ ЖҮЙЕСІНІҢ СОЛИТОН ШЕШІМІ МЕН ОЛАРДЫҢ ДИНАМИКАСЫ ........141
**Давыдов Георгий (Минск, Республика Беларусь)** ПОЛИТИКА ЯДЕРНОГО ШАНТАЖА КОРЕЙСКОЙ НАРОДНО-ДЕМОКРАТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ........146
**Горбачесвская Елизавета Витальевна (Минск, Беларусь)** ПИГМЕНТЫЙ СОСТАВ СПИРУЛИНЫ (*SPIRULINAPLATENSIS)* ПРИ КУЛЬТИВИРОВАНИИВ СРЕДАХ С ДЕФИЦИТОМ ЖЕЛЕЗА ........149
**Кароза Таццяна Віктараўна (Мінск, Беларусь)** МАГЧЫМАСЦІ ВЫКАРЫСТАННЯ САЦЫЯЛЬНЫХ СЕТАК І ІНТЭРНЭТ-РЭСУРСАЎ ПРЫ ВЫВУЧЭННІ БЕЛАРУСКАЙ ЛІТАРАТУРЫ ........152
**Баймурадов Раджаб Сайфитдинович (Бухоро, Ўзбекистон)** ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ........155
**Орипова Н.З., Баймурадов Р.С.(Бухоро, Ўзбекистон)**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМНИ ТАРҒИБ ЭТИШ АСОСИДА ТАЪЛИМ СИФАТ-САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ........157
**Кобяшева Светлана Владимировна, Шадыро Олег Иосифович (Минск, Беларусь)** ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ЯДЕРНОЙ ЭНЕРГЕТИКЕ: ОПЫТ ХИМИЧЕСКОГО ФАКУЛЬТЕТА БЕЛГОСУНИВЕРСИТЕТА ........159
**Кахарова Ирода Сидиқовна (Тошкент, Ўзбекистон)**ТИЛШУНОСЛИКДА ЭМОЦИЯ ВА КОННОТАЦИЯ ........163
**Урозов Алимаҳмад, Ќурбонова Њанифа, Усмонов Муњаммадсалим,Умаралии Сафаралї (Душанбе, Таджикистан)** ТАРКИБИ ХИМИЯВИИ ГУЛИ ХАЙРИ ALTHAE OFFICINALISАЛТЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ ........166
**Қўнғирова Ш. И. (Қарши, Ўзбекистон)** ДУКЧИ ЭШОН – ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ ........170

Научное издание

# V Международная научно-практическая конференция «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA»

Сборник научных статей
Ответственный редактор – Х.Б. Маслов
Технический редактор – Е. Ешім, Е. Абиев

Подписано в печать 30.03.2019.
Формат 190х270. Бумага офсетная. Печать СР
Усл. печ. л. 25 п.л. Тираж 60 экз.
Типография «Мастер ПО», 010005, Астана, ул.Пушкина, 15-76
Тел.: 8/7172/223-418 e-mail: masterpo08@mail.ru